



МЕТАФОРА ТАВСИФИГА КОГНИТИВ ЁНДАШУВ

СамДЧТИ таянч докторанти (PhD) Ш.Ш. Улгуова

Мақолада метафоранинг табиати ва мақомини тавсифлаш учун муҳим бўлган айрим когнитив таҳлил методларининг моҳияти ёритилган. Метафора кундалик концептуал воқелиқдир, биз бирор нарса ҳақида фикр юритаётганимизда бошқа нарса-ҳодисаларнинг шаклу-сиймоси кўз ўнгимизда туради, яъни семантик кўчимлар юзага келиб, шакл ва мазмун ассиметрияси фаоллашади.

Концептуал метафоралар кўпинча бир-бири билан алоқадор бўлиб, бири иккинчини тўлдиради ҳамда мураккаб метафорик моделларни ҳосил қилади. Метафорик модел-тил соҳиблари онгида мавжуд бўлган тушунчаларнинг ўзаро муносабати бўлиб, уларнинг ташкил топишида манбадаги фреймлар тизими мўлжал ҳудудига тушунчалар тизимини моделлаштириш учун хизмат қилади

Калит сўзлар: концептуал метафора, фрейм, метафорик модел, ментал тузилма, стереотип.

Даврлар ўтиши билан метафора ҳодисасига бўлган қизиқиш янада кучайиб бормоқда, янги талқинлар, назариялар шаклланиб, ушбу мураккаб ҳодисанинг табиати турли нуқтаи назардан ўрганилмоқда. Метафоранинг зиддиятли хусусиятларга бойлиги унинг тадқиқига турли йўналишлар нуқтаи-назаридан ёндашишга мажбур қилмоқда. Ҳодисанинг бу даражадаги кўпқирралиги, ҳатто , баъзан тадқиқотлар жараёнида олинган хулосаларнинг чалқаш, ноаниқ кўриниш олишига сабаб туғдирмоқда.

Ҳозирги даврда лисоний ҳодисалар таҳлилига бағишланган тадқиқотларнинг катта қисми когнитив парадигма доирасида олиб борилмоқда. Когнитив тилшуносликнинг энг муҳим тамойили ҳар қандай



лисоний шакл асосида инсон тафаккур фаолиятининг маҳсули бўлган ментал тузилма-концепт туришини эътироф этишдан иборатдир.

Метафора когнитив ёндашув доирасида юқори қийматли ҳодиса сифатида баҳоланади. Зотан, метафора инсон тафаккур фаолиятининг ажралмас қисмидир ва у воқелик идроки жараёнида оламда кечаётган воқеа-ҳосилларни концептуаллаштириш ҳамда категориаллаштиришнинг муҳим воситасидир. Шу восита татбиқида оламнинг лисоний манзараси метафорик кўринишда шаклланади.

Маълумки, фанлар методологиясида, шу жумладан, лингвометодологияда ҳам, тадқиқ объекти (тилшуносликда-тил материали) таҳлилида моделлаштириш, қиёслаш, таснифлаш, анализ ва синтез, мавҳумлаштириш, тавсифлаш, индукция, дедукция, абдукция каби умумий методлардан фойдаланиш тавсия этилади. Сўзсиз, санаб ўтилган методларнинг барчаси метафорик ибораларнинг структур-семантик ва функционал хусусиятларини ўрганишда ўз ўрнига эга. Аммо кейинги давр тилшунослик фанида дискурсив, контекстуал, лингвокультурологик, концептуал ва фрейм таҳлили, шунингдек, контент-таҳлил, когнитив ва конйептуал моделлаштириш каби қатор замонавий ёндашувларнинг оммалашиб бораётганидан хабардормиз. Қўйида метафоранинг табиати ва мақомини тавсифлаш учун муҳим бўлган айрим когнитив таҳлил методларининг моҳиятини ёритишга ҳаракат қиламиз.

Метафора таҳлилида фреймли моделлаштириш усулига мурожаат кенг тарқалмоқда. Фрейм таҳлилининг маҳсулдорлиги унинг изоҳлаш ва кўргазмаларни тасвирлаш имкониятлари чексиз эканлиги билан боғлиқ. Зеро, лисоний бирликларнинг семантик таҳлили ҳар қандай ҳолатда ҳам олам идрокида жамланган билимнинг воқеланиши маълум кўринишдаги



когнитив структуралар ёки, бошқача айтганда, фреймлар шаклида тасаввур қилиниши билан боғлиқ.

Фреймлар маълум гуруҳдаги объектларнинг аниқ акс этирувчи ахборотнинг таркибий тузилишини намоён қилувчи тузилмадир. Шу аснода, фрейм тўпланган тажрибани таснифловчи ва категориаллаштирувчи воситадир, унинг вазифаси стандарт вазиятларни муқобил равишда категориаллаштириш ҳамда тавсифлашдан иборат. Метафоранинг фрейм тасвирида унинг структур тузилиши ва мундарижаси бирхилда эътиборга олинади. Бундай ёндашувда маълум бир когнитив модел асос сифатида қаралиб, унинг таркибида бир нечта фреймлар ажратилади. Шу йўсинда, бир гуруҳ метафораларнинг умумий бир фрейм атрофида ўзаро мунособатга киришиши аниқланади. Лекин бу турдаги умумийлик, ўзаро алоқанинг юзага келиши учун фреймларнинг у ёки бу элементлари семантик жиҳатдан мослашиши керак бўлади.

Кейинги ёндашув метафоранинг концептлар доирасидаги тадқиқини назарда тутди. Концептлар структураси ҳақидаги назарий қарашлар ушбу ёндашувнинг асосини ташкил қилади. Концептуал таҳлил, одатда ягона бир лисоний белги орқали воқеланган ва маълум бир когнитив структура атрофида бирлашган концептлар гуруҳининг аниқланиши сифатида талқин қилинади [2].

Концептуал таҳлил жараёнида концептнинг хусусиятлари уни воқелантирувчи лисоний бирликларнинг (масалан, метафоранинг) маъноси аниқланади ва бунда уларнинг луғатлардаги изоҳлари ва қўлланилаётган нутқий контекстлар ҳам инобатга олинади. Метафора олам манзараси концептуаллашувининг энг кенг тарқалган тури бўлганлиги сабабли концептуал таҳлил объекти сифатида танланади. Концептуал метафора у ёки бу жамоанинг лисоний-маданий



анъаналаридақайд этилган манба ва мақсад ўртасидаги доимий муносибликни акс эттирувчи ҳодисадир [1]. Метафора, шунингдек, қандайдир мавҳум билимни кўпроқ таниш, одатда аниқ соҳага оид тушунчалар орқали ифодаланиши бўлиб, у нафақат тушунчаларни категориялаштириш, балки билимнинг алоҳида шахслар ва кишилар жамосида тўпланиши ҳамда сақланишида иштирок этади.

Америкалик олимлар Ж. Лакофф ва М. Жонсон томонидан яратилган концептуал метафора назарияси метафора ҳодисаси назарий таҳлиliga қўшилган катта ҳиссадир. Мазкур назарияга биноан метафора-оддий лисоний ҳодиса бўлиб қолмасдан, балки кундалик концептуал воқеликдир, зотан биз кўпчилик ҳолатларда бирор нарса ҳақида фикр юритаётганимизда бошқа нарса-ҳодисаларнинг шаклу-сиймоси кўз ўнгимизда туради. Оқибатда, семантик кўчимлар юзага келиб, шакл ва мазмун ассиметрияси фаоллашади. Америкалик олимлар изидан бораётган тадқиқотчилар концептуал метафорани "мўлжал ҳудуди"-мақсад ҳудуди схемасида тавсифлашни маъқул топмоқдалар.

Бир лингвомаданиятга оид концептуал метафоралар кўпинча бири-бири билан алоқадор бўлиб, бири иккинчини тўлдиради ҳамда мураккаб метафорик моделларни ҳосил қилади. Метафорик модел-тил соҳиблари онгида мавжуд бўлган тушунчаларнинг ўзаро мунособати бўлиб, уларнинг ташкил топишида манбадаги фреймлар тизими мўлжал ҳудудига тушунчалар тизимини моделлаштириш учун хизмат қилади.

Шундай қилиб, фрейм назарияси метафорага ўхшаш мураккаб лисоний ҳодисалар таҳлилида катта аҳамият касб этади. Чунки ушбу назария бизнинг мулоқотнинг стандарт вазиятлари борасида оддий тасаввуримизга асосланади. Концептуал таҳлил эса, ўз навбатида,



метафорани турли семантик қуршовда кузатиш ва унинг ҳаракатчанлиги, динамикасини ёритиш имконини беради.

Когнитив йўналиш доирасида метафора тафаккур қонуниятлари асосида кечадиган оламни билиш жараёнини акс эттирувчи ҳодиса сифатида талқин қилинади. Бошқача айтганда, метафора тажрибанинг бир соҳасидан иккинчисига кўчишини қандай тизимли равишда таъминлашини изоҳлайди. Мазкур когнитив механизм номаълум объектни маълум бўлгани воситасида тушунишга ёрдам беради. Бунда бир хусусият етакчи ўринга чиқарилиб, иккинчиси яширилиши йўли билан онга таъсир ўтказилади ҳамда инсон ҳаракати назоратга олинади.

Метафоранинг когнитив талқини унинг оддий лисоний ҳодиса кўринишидаги талқинидан чекиниш ва билимнинг метафоралашув шароитлари ҳамда механизмини аниқлаш имконини яратади. Ушбу ёндашув, бир томондан, тил ва тафаккур тизимлари алоқасига ишора қилса, иккинчи томондан, метафорик тушунчаларнинг таъсирчанлиги, образлилиги ва ихчамлигини таъминловчи нолисоний омилларни ажратиш ҳамда гуруҳлаш учун қулайдир.

Метафоранинг когнитив талқини унинг семантик тавсифини инкор этмайди: семантик ёндашувда маъно кўчимининг шарт-шароитлари ва оқибати, натижаси таҳлил қилинса, ушбу натижага олиб келувчи концептуаллашув жараёни ўрганилади.

Метафорик тасаввур ва образлар когнитив моделларининг лисоний воқеланиши ҳар бир лисоний маданият учун ўзига хос жараён бўлиб, бунда турли шаклдаги тил бирликлари (сўз, сўз бирикмаси, гап, матн кабилар) иштирок этади.



Бироқ қандай контекстда қайси бирликнинг танланиши лингвомаданий омилларга боғлиқ. Масалан, ўзбек тилидаги "осмондаги ойни ваъда қилмоқ" метафорик ибораси ваъданинг амалга ошмаслигидан дарак беради. Инглиз тилида ушбу иборанинг тўлиқ муқобили (to promise the moon) бўлгани ҳолда, немис ва рус тилларида "ваъданинг сохталиги, амалга ошмаслиги "узоқдаги тоғни келтириб беришга" тенглаш тирилади: j-m goldene Berge versprechen, "обещать кому-то золотые горы".

Яна бир мисол: ўзбеклар оғир аҳволга тушиб қолган кишига ёрдам кўрсатиш мазмунини ифодалашда "бирор кишини ботқоқдан чиқариб олиш" қабилидаги иборани қўллайдилар. Инглиз ва немис миллати вакиллари онгида эса ушбу мазмун концептуаллашуви бироз бошқачароқ кечади: "to get smb. out of hot water"; "j-n aus der Goss Ziehung". Демак, инглизлар метафорик қиёс учун hot water "қайноқ сув" тушунчасини танласалар, немислар учун Gosse "оқова сув ўраси, кирўра" маъқул кўринади.

Юқоридаги ўхшаш иборалар қиёсидан метафоранинг семантик шаклланиши миллий менталитет билан боғлиқлиги маълум бўлади. Ҳар бир миллат ўзига хос тафаккур бичимига эга ва унинг вакиллари онгида воқелик ҳақидаги тушунчаларнинг стереотип қолиплари мавжуд бўлиб, шу қолиплар метафорик тафаккурда ўз ўрнини топади.



Метафора шаклланишида ҳаракатга тушадиган қиёслашга предметлар, шахслар, нарса-ҳодисаларнинг ўзи эмас, балки уларнинг ортида турган тимсоллар, концептлар жалб қилинади ва шу боис метафорик мазмун шаклланишини изоҳлаш ўта мушкул вазифалардандир. Метафораларнинг семантик таҳлили инсон онгида кечаётган когнитив жараёнларни ҳамда уларнинг социал идрокни англашга ёрдам беради. Ж. Лакоффнинг эътирофича, "бизнинг тафаккуримиз, кундалик тажрибамиз ва ҳатти-ҳаракатларимиз кўп жиҳатдан метафорик шартланган" [3, 112], шундай экан, метафорани таҳлил қилаётиб, тафаккур фаолиятининг сирларини ўрганамиз.

Инсон тушунчалар оламини концептуаллаштириш ва тизимлаштириш давомида энг муҳим хусусиятларни танлаб олади ҳамда уларга баҳо беради. Когнитив фаолият кечишида маданиятлар ўртасида унчалик фарқ кўринмаса-да, лекин уни батамом универсал деб бўлмайди, чунки концептуаллашиш ҳаракати худди структур-семантик танлов каби, миллий-маданий кўрсаткичлардан холи эмас.

Когнитив тилшунослик вакиллари метафоранинг анъанавий тавсифидан чекинган ҳолда онг фаолияти давомида ҳосил бўладиган структуралар сифатида талқин қиладилар. Метафорани концептуал ҳодиса кўринишда тавсифлаш ҳаракати Ж. Лакоффнинг ишларидан бошланиб, унинг издошлари томонидан давом эттирилмоқда (Lakoff and Jonson 1999; Lakoff 1980; Lakoff and Turner 1987; Kövecses 2002, etc.)



Тилшунослар орасида машхур бўлган "Metaphors We Live By" (1980) китобининг муаллифлари Ж. Лакофф ва М. Жонсон кундалик ҳаёт эҳтиёжи бўлган метафоранинг соф тил ҳодисаси эмас, балки тафаккур бирлиги эканлигини уқтирдилар. Метафора фақат мулоқот воситаси бўлибгина қолмасдан, балки бизнинг онгимиз фаолиятини ва ҳатти-ҳаракатларимизни ҳам шакллантиради.

Ушбу назария амалда бўлган тушунча "cross – domain mapping" тушунчасидир. Бу тушунчани "майдонлараро кўчим" мазмунида англашимиз маъқулдир, зеро метафора ҳосил бўлишида бир соҳага оид билим иккинчисига татбиқ этилади ва натижада умумий майдон юзага келади. Бундан ташқари концептуал метафора жисмоний (гавдага таъсир кўрсатадиган), атроф-муҳит ва маданий тажриба ҳақида билимга таянади. Метафора ҳосил бўлишининг охириги нуқтасидаги "мўлжал майдони" (target domain) мавҳум, сезиш қийин бўлган, ноаниқ ва субъектив тушунча бўлиб, уни биз сезги органлари ҳаракати ёки олам билан мунособат доирасида ўзлаштира олмаймиз. Мўлжалдаги билимни биз манба майдонидаги билимга асосланган ҳолда концептуаллаштирамиз. Демак, концептуал метафора майдонлараро мантиқий кўчим шароитида шаклланадиган ҳодисадир. Ушбу талқинни умумлаштирган Ж. Лакофф ва М. Жонсоннинг қайд этишича, "метафоранинг моҳияти бир нарсани бошқа бир нарса нуқтаи назаридан идрок этиш ва тушунишдир" [10, 5].

Муаллифлар изоҳлашга уринган концептуал метафоралардан бири "Argument is War" бўлиб, унинг концептуал тузилиши қуйидагича шарҳланади:



Your claims are indefensible.

He attacked every weak point in my argument.

His criticisms were right on target.

I demolished his argument.

I've never won an argument with him.

[10, 4].

Кўринадики, ушбу тузилмаларда баҳс, мунозара жанг майдонида кечадиган ҳаракатларга тенглаштирилмоқда. Ҳақиқий жанг майдонини тасвирловчи лисоний иборалар мавҳум баҳс майдонини воқелантиришга хизмат қилмоқда. Бундай концептуал фаолият давомида биз уруш ҳақидаги билимимизни баҳс фаолияти тасвирига кўчирмоқдамиз. Муҳими бундай майдонлараро кўчим (mapping) фақат бир томонлама йўналишга эга, яъни манбадаги билим мўлжалдаги билим сари йўл олади.



Шунинг билан биргаликда манба майдонидаги билимнинг фақат маълум бир қисми мўлжал майдонидан ўрин олишини унутмаслигимиз керак. Бундай кўчимга учрайдиган билим бўлаклари мўлжалдаги тушунча тасвири учун муқобил бўлиши керак. Ушбу ҳодисани З. Ковач "инвариантлик тамойили" (Invariance Principle) деб атайди. Унинг таъбирича, "метафорик кўчимда иштирок этаётган билим бўлаги. Мўлжалдаги тушунча ифодаси учун етарли миқдорда бўлиши шарт" [9, 103]. Масалан, "People are plants" метафораси шаклланишида манбадаги "ҳаётнинг даврий" эканлиги ҳақидаги билимнинг кўчиши етарли, чунки одамларнинг ҳам, худди ўсимликлар сингари, яшаш даври чегараланган (улар туғилади, улғаяди, ўлади). Аммо ўсимликлар дунёсига хос фотосинтез жараёнлар ушбу метафорада акс топмайди, зотан, инсонлар ҳаёти фотосинтез ҳодисаси билан ҳеч қандай боғлиқ эмас. Бундан чиқадикки, концептуал метафоралар асосан универсал хусусиятга эга бўлади [10, 57].

Концептуал метафора назарияси, албатта, кўпчилик томонидан маъқулланиши билан бир қаторда, танқидсиз ҳам қолмайди. Кейинги қирқ йил давомида айтилган танқидий фикрлар концептуал метафорани ажратиш методикасига таълуқлидир. Аслини олганда, ушбу методнинг ўзи амалда йўқ, десак ҳам бўлаверади. Чунки тадқиқотчиларнинг қиладиган иши у ёки метафорик ментал структура тўғрисида фикран хулосага келиш ва унга мос келадиган лисоний шакллари излашдан иборат бўлиб, бирон-бир далилловчи амални қўллашнинг имконияти йўқ ҳисоби.



Шундай ҳолатда юзага келадиган муаммо икки кўринишга эга. Уларнинг биринчиси лисоний характерга эга бўлиб, фаҳман ажратилган метафорик структурани аниқ воқелантирувчи мисолларни матндан топиш қийин, шунинг учун баъзилар тил корпусларидан фойдаланишни маслаҳат беради.

Иккинчи муаммо келтирилади мисоллар ва концептуал метафоранинг ўзаро боғловчи тугунларни топиш билан боғлиқ. Чунки бу икки (ментал ва лисоний) мундарижавий жиҳатдан бирига қанчалик мос келишини аниқлаш катта қийинчилик туғдиради. Тўғри бу борада баъзи таклифлар йўқ эмас, аммо бу ҳаракатлар бошқалар томонидан унчалик қўллаб қувватланмайди.

Муҳим когнитив амаллардан бўлган блендинг – (қориштириш) янги концептуал тузилмалар, шу жумладан, метафорик иборалар ҳосил бўлишида етакчи ролни ўташи кўпчилик тамондан эътироф этилган (Худойберганова 2013:48). Ҳатто, Ж. Лакоффнинг ўзи ҳам "қоришиқлик"ни таклиф қилинган метафоранинг янги, яъни "интеграл назарияси"нинг (integral theory) ажралмас қисми, деб қайд этди [10, 46].



Шундай қилиб Ж. Лакофф ва унинг ҳаммуалифи метафора ҳодисасининг концептуал жиҳатларини асослаш билан банд бўлиб турган бир пайтда, тил амалиётчилари ва корпус тилшунослиги мутахассислари метафоранинг дискурс шароитида намоён бўладиган лисоний кўрсаткичларини таҳлил қилиш муҳимлигини таъкидлашдан тўхтаганлари йўқ. Лисоний шакл ва воситалар метафорик деривация жараёнида иккиламчи омил эмаслигини ўқтираётганлар метафора ифодаланаётган восита тил бўлганида, иборанинг шакли уни идрок этиш ва тавсифлаш учун ўта муҳим эканлигини кўрсатиб ўтадилар [3, 49].

Когнитивист олимлар концептуал метафораларни турли мавзуй гуруҳларга ажратадилар. Шундай гуруҳлардан бири "ҳаёт" мавзусида бўлиб, унга "Life is a Container" ("Ҳаёт бу – бирор нарса сақланадиган идиш"), "Life is a Game" ("Ҳаёт бу – ўйин"), "Life is a Journey" ("Ҳаёт бу – саёҳат"), "Life is a Building" ("Ҳаёт бу – бино") кабилар киради. Ушбу образли тасаввурлар барча инсонлар тафаккур фаолияти учун бир хил. Жумладан, тадқиқотчиларнинг кузатишича, "Life is a Building" метафораси инглиз, япон, араб, португал тилларида мавжуд экан. Худди шунингдек "Time is Money" ("Вақт бу – пул") инглиз ва ўзбек тилида сўзлашувчи нутқ эгалари тезаурусига бир хил мавжуд бўлиб, когнитив-семантик универсалиялар қаторидан ўрин олиши ҳам исботланган [5, 49].



Шунинг билан биргаликда, ҳаёт мавзусидаги ҳар қандай метафорани тиллараро умумийлик хусусиятига эга деб бўлмайди ёки улар бир маромда қўлланилмайди. З. Ковечнинг кузатишича, америкаликлар ҳаётни кўпинча "қимматбаҳо мулк", "ўйин", "саёҳат", "идиш", "қимор", "муроса", "тажриба", "синов", "уруш" каби тушунчалар доирасида баҳоласалар, венгрларда эса ҳаёт кураш/жанг, муроса, саёҳат, совға, имконият, бошқотирма, ўйин, озодлик ва чақириқ каби ҳислатлар нуқтаи назаридан тасвирланади [9, 667].

Концептуал метафораларнинг инглиз тилида сўзлашувчи ўспиринлар нутқида қўлланишини ўрганган Д. Ларсен ушбу ёшдагилар ўзларини тавсифлашда асосан учта мавзуга мурожаат қилишларини аниқлайди:

- a) MULTIPLE SELF концептуал метафораси ("I am a puzzle where a none of the pieces are the same");
- b) SELF AS A COMPLEX метафораси ("I am a book of poems"; I am a sophisticated piece of work");
- c) EMBODING HOPE ("I am a flower that continuously glows and flourishes", "I am a gold ring", "I am a star", "I am a pound of life and excitement").

Инсонлар ўртасидаги муносабатлар концептлашувида фаоллашадиган ментал структуралар гуруҳи ҳам алоҳида ажратилади. З. Ковеч бу гуруҳга қуйидаги концептуал тузилмаларни киритади: (Kövecses 2005): SHARING (EXPERINCE, OBJECTS); DISTANCE (CLOSE, DISTANT); WARMTH, BOND, MACHINE, PLANT, VALUABLE COMMODITY.



Мазкур метафоралар ҳаракат, мураккаблик, яқинлик, ҳамдардлик каби ўзаро мунособатлар хусусиятларини воқелантиради. Бундан ташқари, кишилар ўртасидаги яқинлик тимсоли бўлган муҳаббатни ифодаловчи концептуал метафоралар ҳам мавжуд. Булар – LOVE IS MADNESS, LOVE IS A PHYSICAL FORCE, LOVE IS A WAR, LOVE IS MAGIC каби концептуал метафоралар ҳам санаб ўтилади ва уларнинг кўпчилиги маданиятлараро умумийлик белгисига эга.

Концептуал метафоралар тағзаминида турган ментал структурасининг моҳияти ва фарқли белгиларини аниқ тасвирлаш мақсадида кейинчалик "image schema" тушунчаси истъемолга киритилди. М. Жонсоннинг таърифича, ушбу схема тажриба, ҳаракатларга тартиб ва тузилиш олишга кўмак берадиган қолип бўлиб, у динамик характерга эга. "Бу ерда тажриба тушунчаси кенг маънода англашинилиб, перцептуал, эмоционал, тарихий, ижтимоий ва лисоний омилларни қамраб олади" [8, 154].

Ж. Лакофф тасвир схемасини пропозиционал моделга қарама-қарши қўяди. Унинг таъбирича, "Когнитив моделлар назариясида концептуал тузилмалар тавсифланади... ушбу тузилмаларнинг мазмунга эга бўлиши уларнинг бизнинг идрок характеримиздан олдинги тажрибамизга суянишига боғлиқ" [10, 267].

Бу иккала муаллифнинг фикрларида "тасвир схемаси"нинг (image schema) концептуаллаштириш ҳаракатининг ҳиссий идрок фаолияти билан муносабатида "кўприк" вазифасини ўташи таъкидланади.



Когнитив тилшунослик йўналиши шаклланиши ва ривожига катта ҳисса қўшган Рональд Ленгекер ҳам тасвир схемасининг тафаккур ва тил тизимлари ўртасидаги боғлиқликни таъминловчи асосий тугун эканлигини қайд этган. Унинг қайдича, "тасвир схемалари асосий граматик тузилмаларнинг моҳиятини белгиловчи когнитив майдонларнинг структураси шаклланишида муҳим ролни ўйнайди. Масалан, куч схемаси ҳаракат занжири идрокида манба – йўналиш – мўлжал билан бирикади" [12, 399].

Ж. Лакофф ва М. Жонсонлар тасвир схемасининг айрим хусусиятларини алоҳида таъкидлашни маъқул топадилар. Биринчидан, ушбу схемалар "амалда тажрибадан ўтказилган" идрок олди структуралари бўлиб, инсоннинг маълум макондаги ҳаракати, ҳиссий фаолияти ва объектлар билан муносабати кабиларни акс эттиради. Иккинчидан, мазкур схемалар юқори босқичдаги гештальтлар сифатида турли фаолият соҳаларида тўпланган тажрибани умумлаштириш асосида ахборотни жамлайди. Учинчидан, тасвир схемалари миқдор жиҳатидан чекланмаган ва бундай давомийлик, қолиплар ўхшашлиги беихтиёр юзага келади [10, 103]. Ушбу схема бошқа концептуал бирликларга етакчилик қилади ва мустақил равишда мавжуд бўлади. Ниҳоят тасвир схемалари, худди гештальтлар сингари, ботиний тузилишга эга бўлиши (яъни жуда кам миқдордаги қисмларнинг ўзаро алоқасида ташкил топиши) билан биргаликда, ўта эгилувчандир. Яъни ушбу схемалар турли контекстларда турли ўзгаришларга учрайди. Аммо бунда ҳосил бўладиган трансформацияларнинг барчаси талаб қилинадиган тамойилларга амал қилади.



Хуллас, концептуал метафорани шакллантирувчи омиллар муаммоси илмий адабиётларда жадал муҳокама қилинмоқда. Ушбу ҳодисанинг моҳиятини белгиловчи хусусиятларни аниқлаш ва уларни таҳлил қилиш билан боғлиқ масалалар борасида билдирилаётган фикрлар турли-туман. Аммо, шунинг билан бир қаторда, концептуал метафора ҳамда тасвир схемаси каби ҳодисаларга берилаётган таъриф ва тавсифлар ҳозирча ҳеч кимни тўлиғича қониқтирмаслигини ҳам унутмаслик лозим. Ушбу ҳолат, албатта, соҳа бўйича олиб бориладиган тадқиқотларни қийин аҳволга солиб қўйиши мумкин. Бу аҳволдан чиқиш нечоғли мушкул эканлигини изоҳлаш учун когнитивистларнинг ўзларига мурожаат қилишни маъқул топдик. Масалан, когнитивист олим Бит Хемпнинг мулоҳазасини асл нусхада ўқиб кўрайлик:

"Neither the original characterization, nor the entire subsequent research to date can be said to have provided the cognitive-linguistics community with a set of clear-cut criteria to set image-schematic representations apart from other basic or schematic concepts... Apart from the various existing disagreements as to how inclusive or restrictive definitions of "image schema" should be, the notion has invited treatment from a variety of viewpoints and at multiple levels of analysis, which by necessity cut across established academic compartmentalizations and methods of investigation" [7, 1-5].



Унутмайликки, концептуал метафора ҳодисаси билан боғлиқ "тасвир схемаси" тушунчаси когнитологиянинг тилшунослик, невропсихология, сунъий интелект, фалсафа каби қатор фан соҳалари билан ҳамкорлиги доирасида шаклланиб, шу соҳа вакилларининг диққат марказида турибди. Шундай экан, худди Б. Хемп таъкидлаётганидек, билдирилаётган фикрларнинг турли-туман бўлиши ва баъзан келишмовчиликларнинг юзага келиб туриши табиийдир.

Айни пайтда, концептуал ёндашув метафора ходисаси шаклланиш жараёнини назорат қилишнинг когнитив механизмларини аниқлаш, унинг тизимли тавсифини беришга катта имкониятлар туғдирди. Шунингдек, бу йўналишда бажарилаётган ишларнинг натижалари концептуаллашув назариясининг амалиёт учун аҳамиятли тавсиялар яратилишига тўртки беришидан гувоҳлик бермоқда.



Концептуал таҳлилда нутқий тузилмаларнинг маъно-мазмунни сўзловчининг у ёки бу вазиятни ментал категориялаштириши усулида аниқланади, лекин бунинг воситалари метафорик ва метафора шаклида бўлмаган тузилмаларда бир хил эмас. Метафоранинг қиймати айтилган ва айтилмасдан қолганлар ўртасида мутаносибликда бўлиб, воқелик концептуаллашувининг прагматик аҳамияти ва унинг содир бўлиши боғлиқлиги сақланади. Метафорик иборалар инсон тафаккурининг ўхшаш вариантларини, бошқача айтганда, ўзига хос схемаларини шакллантириш имконини беради. Шу схемалар асосида инсон фаҳмлаш, ўйлаш ҳаракатларини бажаради. Шу сабабли А. Ченки метафорани фақат лисоний ҳодиса бўлмасдан, балки "биз бирор нарса тўғрисида бошқасининг кўламида ўйлаётганимизда содир бўладиган кундалик воқелик" эканлигини қайд этади [4, 68-78].



Ўзбек тилшуноси Г. Қобулжонова, моҳиятан мос бўлган семаларнинг турлича яқинлашуви сабабли янги-янги маънога эгадек туюлувчи нутқий бирлик аслида ягона лисоний моҳиятли эканлигини тасдиқлаш ҳаракатида бўлаётиб, шу моҳиятни юзага чиқариш имкониятларини қидириш кераклигини таъкидлайди. Унинг қайдича, "метафора ана шу имкониятлардан бири бўлиб, объектив (ёки субъектив) борлиқдаги ўхшашликларнинг лисоний акси бўлиш мутаносиб семалар асосида бир нарсанинг номи иккинчи бир нарса номи ўрнида қўлланишидир. Метафора кўп қиррали жараён. Шунинг учун ҳам у ҳақидаги илмий-назарий қарашлар тил методологияси ва тараққиёт қонуниятлари ҳамда тил эгаларининг ижтимоий, ментал, эмоционал-экспрессив ҳолатлари билан боғлиқ ҳолда, ўзгариб, тараққий этиб боради"[6,45].

Бизнинг наздимизда, концептуал ёндашув йўналишида бажарилаётган изланишларни изчил давом эттириш зарурати мавжуд. Зеро, метафора ҳодисасининг сиру-асрори, унинг моҳиятини намоён қилувчи белгилар тил соҳибининг тафаккур имкониятлари ботинида яширинганлиги тобора ойдинлашиб бормоқда. Ботиндаги белги-хусусиятларни, яширин имкониятларни сақлаш сирларини ошқора қилишнинг энг самарали усули таҳлилни макроконтекст яхлит дискурс ёки матн доирасига кўчиришнинг пайти келди, деб ҳисоблаймиз.

Адабиётлар рўйхати

1. Баранов А. Н. О типах сочетаемости метафорических моделей// Вопросы языкознания.-2003.№2.-с. 73-79.



2. Кубрякова Е. С. Эволюция лингвистических идей во второй половине XX века// Язык и наука XX века.-М.,1995.-с.144-238.
3. Лакофф Джонсон М. Метафора, которыми мы живём// Теория метафоры.-М.: Наука.1980.
4. Ченки А. Современные подходы к семантике: сходства и различия в теориях и целях // Вопросы языкознания, 1996.–С.68-78.
5. Худойберганаова Д. Матнингантропоцентриктадыиы. – Т.:Фан, 2013. – 135б.
6. Қобулжонова Г. Метафора ва унинг табиатига қарашлар//Ўзбек тили ва адабиёти, - 2017.№2.-Б.40-46.
7. Hampe В. Image Schemas in cognitive linguistics//From perception to meaning. – N.Y.: Mouton de Gruyter, 2005. – P. 1-5.
8. Johnson М. The body in the mind: The bodily basis of meaning, imagination and reaction. – Chicago: University of Chicago Press, 1987.
9. Kövecses Z. Metaphor: a practical introduction.–Oxford: University Press, 2002.
10. Lakoff J., Johnson М. Philosophy in flesh: The embodied mind and its challenge to western thought.– N.Y.: Basic Book, 1999.
11. Lakoff J., Turner М. More than cool reason: A field guid to poetic metaphor.– Chicago: University of Chicago, 1987.
12. Langacker R. W. Foundations of cognitive grammar. Vol.2: Descriptive Application. – Stanford University Press, 1991.

Улугова Шохида

тел: 91 540 00 41